У 75(5Уз)
А-93

Мукаддима Ашрафий

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК даври Самарқанд миниатюраси



Mukaddima Achrafi

La miniature de Samarkande, epogue de TEMOUR et d'ULUG BEG

Mukhaddima Ashrafi

Samarkand's Miniature of TEMUR and ULUGBEK epoch

Mukaddima Achrafi

La miniature de Samarkande, epogue de TIMUR et d'ULUG BEG

Mukhaddima Ashrafi

Samarkand's Miniature of TEMUR and ULUGBEK epoch

Tashkent
Gafur Gulyam publishing House of Literature and Art
1996

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Муқаддима Ашрафий

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК

даври

Самарқанд миниатюраси

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти
1996

85.14
A93

ТАВСИФЛАНДИ

Таржимон *И. ЗОЙИРОВ*

РНПБ УТ УзССР
366706

Ашрафий, Муқаддима.
Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси.— Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996 — 88б.

Шарқ миниатюра санъати ўта нафислиги, рангларнинг уйғунлиги, рамзий маъноларга бойлиги билан жаҳонни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Соҳибқирон Амир Темур фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари қатори китобат ва миниатюра санъатига ҳам зўр эътибор билан қараган. Унинг даврида Самарқандда гуллаб-яшнай бошлаган бу санъат Улуғбек замонига келиб юксак чўққиларга кўтарилди.

Ушбу асарда муаллиф Ўрта асрларда яратилган Самарқанд, Ҳирот, Шероз миниатюраларини батафсил таҳлил этиб, уларни бир-бирига қиёслар экан, Самарқанд миниатюра мактабининг абадиятига дахлдор улуғвор жиҳатларини ажойиб тарзда ёритиб беради.

ББК 85.14

А $\frac{4903010000—9}{М352(04)—96}$ 96

© Муқаддима Ашрафий, 1996 й.

ISBN 5-635-01548-4

Мўғул босқинидан сўнг 150 йил мобайнида ўзини ўнглай олмаган Самарқанд 1370 йилда ҳокимиятга Темур келиши билан жадал ривожланиб, кенгайиб борди. Темур ўзи тузажак салтанати учун мустаҳкам, жозибадор бир пойтахт нақадар катта аҳамият касб этишини яхши англар эди. У Самарқандни ўз давлатининг маркази қилиб белгилар экан, шаҳар қалъа деворларини мустаҳкамлашга киришди, сўнгра унинг хоҳиш-иродаси билан саройлар, мачит, мадраса, мақбара, бозор, устахона ва дўконлардан иборат ҳунармандлар маҳаллалари қурила бошлади. Шаҳар атрофида эса Боғишамол, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Баланд ва шу каби афсонавий боғ-хиёбонлардан иборат ташқи саройлар бунёд этиш ишлари авж олиб кетди. Ҳукмдорга тақлидан унинг аъёнлари, амиру тўралари ўзлари учун ҳовли-боғлар барпо этишга киришиб кетдилар. Ва қисқа фурсатда Самарқанд ўз миқёси, гўзаллиги билан ўша даврдаги барча шаҳарлардан ўзиб кетди. Темур ўз пойтахтини янада

кўпроқ улуғлаш учун шаҳар атрофида кичик қишлоқлар барпо этиб, уларга шарқ дунёсидаги энг йирик шаҳар ва пойтахтлар номини берди. Жумладан, бу қишлоқларни Миср [Қоҳира], Дамашқ, Бағдод, Шероз деб аташ билан ҳукмдор гўё пойтахтларнинг пойтахти бу — Самарқанд, қолган шаҳарлар шунчаки чеккадаги кичик бир кент, холос, дея таъкидлагандек бўлди.

Темур барпо этган чексиз-чегарасиз салтанатнинг турли бурчакларидан, эртаклардагидек бой шаҳарлардан Самарқандга кўплаб ўлжа ортган карвонлар оқиб кела бошлади. Жазирама саҳролар, қақраб ётган чўллар, ловуллаб турган қум барханлари узра оғир юк ортган карвонлар, асирга олинган усталар кунлаб, ҳафталаб, ойлаб йўл босар, атроф-жавонибни турфа тиллардаги шовқин-сурон, ғилдиракларнинг ғичирлаши, қўнғироқлар жаранги, подачиларнинг ҳайё-ҳайти тутиб кетган, машаққатли йўлнинг эса интиҳоси кўринмасди. Хайрият, ана — Самарқанд, мўл-кўл сувлари оқиб ётган, саррин, серсоя боғлар, хушбўй

гулзорларга бурканган ям-яшил воҳа. Бу ерга илк бор келган киши қайнаб-кўпириб ётган ҳаётдан, қурилишлар миқёсидан, зангинликдан, қисқаси, шаҳарнинг умумий маҳобатидан гангиб қоларди. Бунда кечаю кундуз иш тинмас, ҳар бир кишининг ё қурилишда, ё устахонада қиладиган юмуши тайин эди. Темурга яхши ҳунармандлар, жуда кўплаб ажойиб усталар лозим эди. Шу боис ҳам дунёнинг турли ўлкаларидан зўрдан-зўр усталар Самарқандга олиб келинарди. Рюи Гонзалес де Клавихо ўзининг "1403-1406 йилларда Самарқанддаги Темур саройига саёҳат кундалиги"да ажойиб далилни келтиради — Мовароуннаҳрга кимки кириб келмоқчи бўлса — рухсат беришар, аммо бу ердан махсус рухсатсиз ҳеч ким чиқиб кета олмас, чунки Темурга ҳар бир меҳнаткаш жуда зарур эди.

Самарқандда маҳаллий усталар билан бирга Шероз /1387й./, Бағдод /1393й., 1401 й./, Табриз /1402 й./ каби машҳур маданият марказларидан олиб келинган ажойиб усталар ҳамкорликда ишлай бошладилар. Уста-

ларнинг мисли кўрилмаган миқёсларда Самарқандда тўпланиши шаҳарни бебаҳо санъат ёдгорликлари, хусусан, забт этилган ўлкалардан келтирилган нодир қўлёзмалар марказига айлантирди. Бу ерга йиғилган мутахассислар дарҳол иншоотлар тиклашга, амалий санъат буюмлари ясашга, қуроллар тайёрлашга, Темур саройининг деворларига безаклар ишлашга, ҳукмдор кутубхонаси учун нодир қўлёзмаларни кўчириш ва безаш ишларига киришиб кетдилар. Олис юртлардан келган ҳар бир уста ўз ватанида ўрганган кўплаб энг яхши анъаналарни олиб келди, айни пайтда у аста-секин бу ерда ҳукмрон бўлган дин ва аъмолларга, маҳаллий ҳунармандларнинг услубларига мослаша борди. Ҳамкорликдаги ушбу ижод Темур даври барча санъат ва меъморчилик турларининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берди, турли бадиий мактаблар ютуқларининг бир-бирини фаоллик билан бойитиб бориш ва аста-секин бирикиб кетиш жараёни XV асрнинг биринчи ярмида янги, ўзига хос Самарқанд санъат услубининг

шаклланишига олиб келди. Доҳиёна бунёдкорликдан, санъатнинг юксак даражасидан дарак берувчи меъморий ёдгорликларнинг, амалий санъат намуналарининг бир қисми бизгача етиб келган бўлса-да, бироқ рангтасвир ишлари сақлаб қолинмаган. Фақат ёзма манбалардагина Темур саройидаги безаклар, унинг машҳур кутубхонаси, унда сақланган қўлёзмалар ҳамда уларни безаган миниатюралар ҳақида маълумотлар учрайди, холос. Амир Темурнинг невараси Иброҳим Султоннинг Шероздаги саройида соҳибқирон ҳаёти ва зафарлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Зафарнома" асарини битган Шарафиддин Али Яздий Эрон усталари томонидан ишланган безаклар ҳақида ҳайратга тушиб сўзлайди.

Темур ҳаётининг XV асрдаги бошқа бир йилномачиси Аҳмад ибн Арабшоҳ Самарқанд саройларининг деворларига ишланган суратлар мавзусига тўхталиб, уларда қабул маросимлари, соҳибқироннинг базмлари, жанг манзаралари, ов саҳналари, шунингдек, Темурнинг ўзининг, жангчилари, ўғиллари,

неваралари, хотин ва канизакларининг портретлари тасвирланганлигидан хабар беради.

Кейинроқ битилган асар — Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" /XVI аср/ мемуарида Боғи Дилкушо саройи деворлари Темурнинг Ҳиндистонга юриши ҳақидаги тасвирлар билан безатилганлиги айтиб ўтилади.

Темурнинг жуда кўп қўлёзмалар тўплаганлиги ҳақидаги довруқ бизгача етиб келган. Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, самарқандлик усталар қадимий монихейлик рангтасвири намуналаридан хабардор бўлганлиги боис, соҳибқирон кутубхонасида улуғ рассом Монийнинг "Аржанг" альбомидан баъзи бир суратли саҳифалар сақланиб келинган.

Маълумки, Мовароуннаҳр қадимдан китобат тартиб этиш ва уларни тўплаш маркази эди. Ибн Сино томонидан тасвирланган машҳур Сомонийлар кутубхонасининг ўзиёқ бу ўлкада китоб йиғиш ва уларни омилкорлик билан асрашнинг бой анъаналари мавжудлиги-

дан далолат беради. Шайх Муҳаммад Порсо /1412 йилда вафот этган/ аждодлари томонидан қарийб уч юз йил давомида йиғилган ниҳоятда бой оилавий кутубхона бу музофотда китобга ҳурмат-эътибор жуда кучли бўлганлигидан, уни тўплаш анъана тусига кирганлигидан дарак беради.

Тўпланган ушбу китоблар таркибини ўрганиш шуни кўрсатадики, XV асргача асосан илмий адабиётларни йиғиш устувор бўлган. Фақат XV асрдан бошлаб аста-секин миниатюра-суратлар билан безатилган шеърий мажмуалар қўлёзмаларини йиғиш устунлик қила бошлади. Бунда Темур ва унинг ворислари қилган ҳомийлик муҳим аҳамият касб этади. Кўплаб ёзма манбалар Темурнинг китобга, унинг яратувчиларига алоҳида бир меҳри бўлганлигидан, шу сабабли ҳам пойтахт Самарқандга нафақат кўплаб нодир қўлёзмалар, айни пайтда забт этилган ўлкалардан қўли гул усталар, моҳир хаттотлар, мусаввирлар, муқовачиларни олдириб келганлигидан шаҳодат беради. Афсуски, Темур саройида ишлаган усталар то-

монидан яратилган ана шу безакли қўлёзмаларнинг ўзи бизгача етиб келмаган. Ўрта асрларда қўлёзма китоблар ва кутубхоналар тақдири худди одамларнинг тақдири каби таҳдидли ва аксар ҳолларда фожиавий эди. Сомонийларнинг ноёб кутубхонаси куйиб кул бўлди, ўзаро урушлар оқибатида кўплаб китобларга ўт тушди, талончиликлар, меросни бўлиш борасида жанжал-тўполонлар оқибатида не-не асарлар йўқолиб кетди. Ўрта аср муаллифлари ёзиб қолдирган гувоҳликларни ҳисобга олмаганда, Темурнинг машҳур кутубхонасидан ному нишон ҳам қолмаган. Фақат бу ерда тўпланган қўлёзма асарларининг санъат даражаси ўта юқори бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, холос, зотан булар — мағлуб бўлган ҳукмдорларнинг кутубхоналаридан саралаб келтирилган энг яхши асарлар, шунингдек, забт этилган ўлкалардан келтирилган замонасининг энг етакчи усталари томонидан Самарқандда — Темур саройида соҳибқирон учун тайёрланган ноёб китоблар эди.

XVI аср муаррихи Дўст Муҳаммаднинг гувоҳлик беришича, Самарқанд кутубхонаси бошида Темур Бағдоддан олдириб келган машҳур мусаввир Абдулхай турган. У "ўзининг музаффар лашкари билан бирга хожа Абдулхайни ўз пойтахти Самарқандга олиб келди. Уста ушбу масканда вафот қилди. Хожанинг вафотидан сўнг жамъи усталар унинг ишларига тақлид эта бошладилар". Бу XV аср бошларида Самарқанд миниатюраларининг манбалари ва услубларини яққол кўрсатувчи нодир далилдир. Таассуфки, Абдулхайнинг ўз миниатюралари бизгача сақлаб қолинмаган. Бироқ Абдулхай каби багдодлик мусаввир Шамсиддиндан таълим олган ўша ерлик уста Жунайд Наққош Султонийнинг ажойиб миниатюралари бизгача етиб келган. Турли индивидуал ўзига хосликка қарамасдан, битта миниатюра мактабига мансуб бўлган, бир даврда яшаган, битта устадан тарбият топган Абдулхай билан Жунайд Султоний ягона услубда асарлар яратганлигига шак-шубҳа йўқ. 1396 йилда Бағдодда Хожа Кирмоний-

нинг "Хамса"сига Жунайд Султоний ишлаган миниатюралар /Лондон, Британия кутубхонаси/. XIV аср охирлари Бағдод рангтасвир услубининг ёрқин намунаси ўлароқ, Абдулхай санъат услубини ҳам тасаввур қилиш имконини беради. Бу асарлардаги табиат манзаралари, саройлар тасвири XV аср рангтасвири учун асос бўлиб хизмат қилди ва яна ривожлантирди.

Композицион қамровнинг кенглиги Жунайд Султонийга табиатнинг кенг манзараларини тасвирлаш имконини берди; унинг асарларида қир-адирлар чаман-гулзорлар билан алмашиниб келади, бу чаманларда сойлар оқиб ётади, сой ёқаларида турли-туман шакллардаги дарахтлар қад ростлаб туради, улар узра қушлар чаппор уриб айланади. Сарой ичини тасвирлашда уч девор — дераза ўрнатилган орқа девор ва диогонал бўйича ишланган икки ён девор асос қилиб олинади, деворларнинг бундай жойлашуви маконнинг теранлик сари ривожланиб бориши ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Пастда йўлкалар тасвирланади, юқорида эса оқ фонда

енгилгина дастхат ўз ифодасини топади. Бу миниатюраларда, одатдагидек, меъморий бинолар бир пайтнинг ўзида ҳам олд томонидан, ҳам ичдан тасвирланади. Қиёфаларнинг мураккаб таносиби, тафсилотларнинг мўл-кўллиги, япроқлари ниҳоятда нафис чизилган дарахтларнинг нозик солланиб туриши, гулларга, ўт-ўланга қопланган ерлар сарғиш-пушти, оч пистоқи рангларнинг бирикиб бой, мафтункор уйғунлик касб этганлиги, яшил, мовий, тилларанг, симобий бўёқларнинг турли-туман жилолари — буларнинг ҳаммаси сувратга ҳайратомуз бир гўзаллик бахш этади. Дўст Муҳаммад таъкидлаган, Самарқанддаги барча усталар тақлид эта бошлаган услуб ана шундан иборат эди.

Гарчи, биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўша даврдаги Самарқанд миниатюралари сақланиб қолмаган бўлсада, кейинги ўн йилликларда уларни XV асрда яратилган, бугунги кунгача етиб келган машҳур ёдгорликлардан ажратиб олиб ўрганиш ҳаракати ҳозирча илмий фаразлар даражасида давом эт-

моқда. Бу ниҳоятда мушкул иш, чунки бугунги кунда XV аср бошларида яратилган Ўрта Осиё миниатюраларининг биронта ҳам ишончли намунаси топилгани йўқ; ўша даврдаги машҳур Ҳирот миниатюралари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Самарқанд ҳаётининг барча маънавий жиҳатлари, сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар, амалий санъат асарлари, ёзма манбаларнинг гувоҳликлари Темур даврида маданият ривожи юксак даражага кўтарилганлиги, абадийлик шуҳратга ноил бўлганлигидан далолат беради. Худди ана шу даврда маданиятнинг кейинги асрлардаги ривожи учун асос солинди.

1405 йилнинг февралида Темурнинг вафотидан сўнг унинг улкан салтанати парчаланиб кетди, ҳар бир мулкка ҳукмронлик унинг ўғиллари ва невералари қўлига ўтди. Бинобарин, унинг невералари ўз пойтахтларини гўзал ва фаровон этишда, маданиятни тараққий эттиришда боболарига тақлид этдилар. Маданият ва фан ривожини қўллаб-қувватлашда, бу ишларга ҳомийлик

қилишда соҳибқироннинг невараларидан Умаршайхнинг ўғли Искандар Султон, Шоҳруҳнинг уч фарзанди — Иброҳим Султон, Бойсунқур ва Улуғбек айниқса алоҳида шон-шуҳрат таратдилар. Пойтахти Шероз шаҳри бўлган Эронда аввал Искандар Султон, кейин эса Иброҳим Султон тахтга чиқди, пойтахти Ҳирот бўлмиш Хуросонда Бойсунқур отасининг вазири бўлиб, отаси бўлмаганда мамлакатни у бошқарар эди, Улуғбек эса 1408 йилдан 1449 йилгача пойтахти Самарқанд бўлмиш Мовароуннаҳр мулкида ҳукмронлик қилди.

Улуғбек даврида Самарқанд... Жаҳон маданияти тарихида бу давр не-не ажойиб воқеаларнинг гувоҳи бўлмади, не-не буюк ютуқларга эришмади, не-не улкан шахсларни етиштирмади! Бинобарин, ана шу даврни белгилаб берган, измига солган, замонасининг тимсолига айланган ҳукмдор, даҳо олим, фалакиёт ва риёзиёт илмидаги кашфиётлари билан Овруподан юз йилларча илгарилаб кетган инсон — бу Улуғбекнинг ўзи эди.

РНПБ МП УзССР
366706

"Тахтга чиққан олим" тушунчаси мусулмон олами учун шу қадар ғайритабиий, Улуғбекнинг илмий фаолияти эса шу қадар ёрқин эдики, барча ёзма манбалар унинг шоҳлигидан эмас, нуқул олимлигидан, аниқ фанларга бўлган иштиёқидан, расадхона қурилишидан, у ерда йирик фалакиётчилар, риёзиётчилар, ҳакимлар билан ҳамкорлик олиб борганлигидан баҳс юритади. Бошқа Темурийзода ҳукмдорлар фаолияти учун анъанавий меъёрга айланиб қолган тарих, шеърият, санъатга қизиқиш ва уни қўллаб-қувватлаш хусусиятлари Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини ёритишда бир оз сояда қолиб кетади.

Ўрта асрлар муаллифлари ўз асарларида ҳукмдорларнинг афсонавий қиёфасини тасвирлашар экан, кўпчиб-тошган шоҳона жасоратлар орасида аксар ҳолларда уларнинг маданиятга ҳомийлиги ҳақида ҳам ҳақиқий ахборотни илова қилиб кетишади. Ўрта асрларда маданият ривожида ҳомийлик катта аҳамият касб этар эди. Маҳаллий маданиятнинг юксак анъаналари

руҳида тарбияланган баъзи бир ҳукмдорларнинг ўзлари кўп ҳолларда маданият арбоби ва ҳомийси сифатида майдонга чиқиб, унинг умумий ривожига, истеъдодли санъат, адабиёт, фан арбобларининг тарбияланиб камол топишига катта таъсир кўрсатар эдилар. Амир Темур, хусусан унинг невaралари худди ана шундай ҳукмдорлар сирасига мансуб эди.

Темур ўз невараларининг тарбияси ва маълумот олишига катта эътибор берди. Ўз замонасининг энг ориф кишилари уларга фан асосларидан, шунингдек, шеърият, мусиқа, хаттотлик, санъатдан, араб, форс, турк тилларидан чуқур таълим беришди. Тарих, адабиёт, санъатга қизиқиш руҳида тарбияланган ва шу борада ҳамжиҳат бўлган Темурий шаҳзодалар доимо бир-бирлари билан маънавий алоқада бўлдилар, элчилар, мактублар йўллаш орқали Самарқанд, Шероз, Ҳиротдаги маданий янгиликлардан вақиф бўлиб турдилар. Табиийки, бунақанги доимий алоқалар XV аср маданиятининг ялпи тараққиётига, ундаги кўпгина бадиий жа-

раёнларнинг умумлашувига, хусусан, бу маданиятнинг дастлабки шаклланиш босқичида катта таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар муаррихи Давлатшоҳ Самарқандий оға-инилар ўртасида адабий масалалар бўйича ёзишмалар бўлиб турилганлиги ҳақида хабар бериб: "Амирзода Бойсунқур Амир Хусрав "Хамса"сини шайх Низомий "Хамса"сидан ортиқ кўрар эди, маърифатли хоқон Улуғбек Кўрагон буни қабул этмас ва шайх Низомийга эргашарди. Шу даъво туфайли ҳар иккала подшо ўртасида кўп бор тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳомийлик этар эдилар", — дейди.

Кейинроқ, Алишер Навоийнинг таъкидлашича, Улуғбекнинг ўзи ҳам форсийда ажойиб шеърлар битган. Айни пайтда у туркий шеъриятини ҳам нозик фаҳм этган, Лутфий, Саккокий каби туркий шеърият намоёндаларини қўллаб-қувватлаган.

Фалакиёт, риёзиёт, тарих ҳақидаги илмий суҳбатларни, анъанавий мушоираларга, шеърий баҳсларга айланиб кетадиган адабий кечалар, машшоқлар,

хонандаларнинг анжуманлари, хаттотлик, мусаввирликка оид ишларнинг баҳс-муҳокамалари Улуғбек саройининг маданий қиёфасини белгилаб берарди. Ўз пойтахтининг маҳобатини ошириш борасида Амир Темур анъаналарини давом эттирган шаҳзодалар қурилиш-иншоот ишларининг миқёси борасида ҳам, юксак меъморий ёдгорликлар бунёд этиш борасида ҳам ўзаро мусобақага киришган эдилар. Улуғбек Самарқандда темурийларнинг бўлажак мақбараси — Гўри Амирнинг қурилишини ниҳоясига етказди. Шоҳизиндани янги қурилиш мажмуалари билан бойитди. Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб мачит, мадраса, хонақо, мақбара, бозор ва ҳаммомлар қурдириб, бу шаҳарлар кўркига кўрк қўшди. Саройлар, истироҳат боғлари қурилиши жуда тараққий этди. Бобур Улуғбек даврида қурилган шаҳар ташқарисидаги ажойиб саройлар, боглар, ҳаммомларни, уларга маҳорат билан ишланган ўймакорлик ва наққошлик ишларини жўшиб тасвирлайди. Бироқ Улуғбек давридаги

меъморчилик иншоотлари орасида, муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишига қараганда, деворларида тўққиз ёритқич тасвирланган Самарқанд расадхонаси /1428-1429 й./, шунингдек уч мадраса — Бухорода /1417 й./, Самарқандда /1417-1420 й./ ва Ғиждувонда /1433 й. / қурилган мадрасалар ўта мутаносиблиги, таркибий қисмларининг аниқлиги ва безакларининг ўзига хослиги билан жуда катта шуҳрат топди.

Улуғбек мадрасаси юксак таълимий даражаси билан, фақат илоҳий фанларгина эмас, балки дунёвий ишлардан ҳам сабоқ бериши билан бутун Шарқда машҳур эди. Самарқандда таълим олиш учун Мовароуннаҳр ва Хуросондан талабалар муттасил оқиб келар эди. Маълумки, бўлажак буюк шоир Абдураҳмон Жомий ҳам Ҳиротдаги мадраса таълимидан қаноат ҳосил қилмай, бир гуруҳ ёш ҳиротликлар билан Самарқанга келиб, Улуғбек мадрасасида таҳсил олган эди. Улуғбек ҳукмронлик қилган даврдаги фан, шеърият, меъморчилик ва мусиқий ишлар та-

раққиёти шундан далолат берадики, бу йилларда Мовароуннаҳр ҳамда унинг икки асосий шаҳри — Самарқанд ва Бухоро маданий ҳаёт жадал гуллаб-яшнаган, ўз даврининг энг маърифатли кишиларини жалб этган марказга айланди. Бухородаги мадраса пештоқига Улуғбекнинг: "Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир", — деган ҳадисни ёздириб қўйиши ҳам бежиз эмас эди.

Илм олиш учун китоб керак эди. Фаннинг турли соҳаларида яратилган кўплаб ишлар, шунингдек, бунёд этилган шеърий асарлар бу ерда қўлёзма китоблар тайёрлайдиган устахоналар мавжуд бўлган деган хулосага олиб келади, бу табиий ҳол эди, чунки Ўрта асрлар ҳукмдорлари саройда кутубхона ва бу кутубхона ёнида қўлёзмалар тайёрлайдиган устахона бўлиши одат тусига кирган эди. Темурдан бошлаб барча Темурийзода шаҳзодалар саройида бу одат мажбуриятга, шон-шараф ишига айланди. Шерозда Искандар Султон ва Иброҳим Султон, Ҳиротда Шоҳруҳ ва Бойсунқур ўз китобхоналарига эга

бўлиб, бу кутубхоналар ўша давр маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутар эди.

Темурдан бой кутубхонани мутахассис усталари билан мерос қилиб олган, ўзи ҳам фалакиёт, риёзиёт, жўғрофия бўйича асарлар ёзган, шеърлар битган Улуғбек саройида кутубхона бўлмаслиги мумкин эмас эди. Агар биз бу ҳақда бирон-бир ёзма гувоҳликка эга бўлмасак, бунинг сабаби равшан: фалакиёт, риёзиёт соҳаларида эришилган улкан муваффақиятлар оқибатида, Ўрта асрлар манбаларида таъкидлаганидек, ҳукмдорнинг аниқ фанлар билан шуғулланиши ғайритабиий бир ҳол ҳисобланганлиги натижасида Улуғбекнинг бошқа санъат соҳалари қатори китобат санъатига ҳам ҳомийлик қилганлиги арзимас маълумот деб қаралган ва буни қайд этиш лозим кўрилмаган.

Бироқ Улуғбек ҳукмронлиги даврида яратилган, бизнинг кунларгача етиб келган, жуда ҳашамдор қилиб безатилган бир неча қўлёзмалар ва алоҳида миниатюралар /саҳифаларидаги ёзувлар улар яратилган даврдан гувоҳлик беради/ ўша даврда Самарқандда ки-

тобхоналар фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги энг ажойиб далилдир.

Улуғбек даврида яратилган ва бизгача етиб келган дастлабки асарлардан бири Абдураҳмон ас-Суфийнинг "Турғун юлдузлар тасвири" /"Сувар ал-Кавокиб ас-Собита"/ номли фалакиётга оид рисоласи бўлиб, у турли буржларнинг рамзлари акс эттирилган 74 та сурат билан безатилган. Бу китоб ҳозирги вақтда Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Унинг биринчи саҳифасида /I-а варақ/ тумор шаклида жуда бой қилиб безатилган ёрлиқ ичида Улуғбек номи битилган бўлиб, бу ёрлиқ варақ композициясининг марказидан жой олган. Кейинги саҳифадан / I-б варақ/ асар матни бошланади. Унвон қайд этилмаган. Ушбу саҳифадаги дастхат кейинги саҳифалардаги дастхат билан айнан бир хил. Ҳар бир саҳифадаги матнни ўз ичига олган тўртбурчак ҳошия ҳам бир хил, демак, бу шуни кўрсатадики, Улуғбек номи битилган биринчи саҳифа ҳам, колофони мавжуд бўлган ва тағин Улуғбек номи қайд этилган охирги

саҳифа ҳам қўлёзмага кейинчалик тиркаб қўйилган эмас. Ҳукмдорнинг олтин ҳарфлар билан номи битилган дастхат ушбу фалакиёт ҳақидаги рисола матни ёзилган дастхатга ва ёрлиқдаги бағишлов битилган дастхатга айнан мос келади. Ҳукмдор номи колофондаги матн орасида тўғридан-тўғри унинг ўртасида — пастдан учинчи қаторда, колофон ҳошиясининг пастки ётиқ чизиғида жойлашган бўлиб, бу Улуғбек номини матнга кейинчалик қўшиб қўйиш мутлақо мумкин эмаслигидан далолат беради. Буларнинг барчаси ушбу қўлёзма бошдан-охир яхлит, ҳеч қандай ўзгаришларсиз тайёрланганлигини ва у Улуғбек учун бунёд этилганлигини кўрсатади. Гарчи қўлёзманинг яратилиш санаси кўрсатилмаган бўлсада, барча тадқиқотчилар у 1430-йилларда тайёрланган, деган муштарак фикр билдирадилар. Бу давр Самарқанд фалакиёт мактаби анча фаоллашган, Улуғбек атрофида йирик фалакиётчи ва риёзиётчи олимлар жипслашган, Самарқанд расадхонаси муваффақиятли ишлаб турган, олимлар

аниқ фанларнинг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар ёзаётган, ўтмишдаги илмий асарларга ва янги битикларга эҳтиёж мисли кўрилмаган даражада ўсган бир давр эди.

"Зижи Кўрагоний, Зижи Улуғбек" дея аталадиган, ниҳоятда бой қилиб безатилган яна бир Самарқанд қўлёзмаси маълум бўлиб, у ҳам 1430-йилларда Улуғбек учун яратилган ва унинг номи махсус ёрлиқда битиб қўйилган. / А. Судаварнинг хусусий коллекциясидаги қўлёзма./ XV аср иншосидан дарак берувчи бу икки Самарқанд қўлёзмаси ва Улуғбек раҳбарлигида яратилган янги ишлар бу давр илмий қўлёзма китобларини бадиий безаш санъатининг ажойиб намуналари ҳисобланади. Самарқаднинг энг яхши хаттотлари бу қўлёзмаларни кўчириб ёзишган, безовчи усталар саҳифаларни ёрлиқ ва лавҳалар билан бойитишган, миниатюрачи рассомлар эса ас-Суфийнинг "Турғун юлдузлар тасвири" китобини суратлар билан безашган.

Ушбу фалакиётга оид рисолага 74 та сурат ишланган бўлиб, ундаги юлдуз

туркумлари — буржларнинг рамзлари номланишидан келиб чиқиб инсон, жонивор ёки афсонавий мавжудот қиёфасида нафис бўёқлар билан жонлантирилган. Масалан, Жавзо туркумида эгизак қизлар рамзи, Қавс туркумида камон тортаётган йигит қиёфаси, Далв буржида чўпон суврати, Пегас буржида эса қанотли от тасвири, Кентавр туркумида шеърнинг орқа оёғидан олаётган одамсимон от, Ҳут буржида эса афсонавий соқолли аждаҳо ва ҳоказолар акс эттирилган. Ҳар бир сурат ичида қизил айлана ичига олинган тилларанг доиралар орқали катта, ўртача ва кичик юлдузлар тасвирланган. Ҳар бир юлдузнинг остига ёки ичига қизил ёхуд қора сиёҳда унинг номи араб имлосида ёзиб қўйилган. Бу тасвирлар силлиқ сарғиш фондаги қогозга равшан, таранг, қатъий чизиқлар билан акс эттирилган.

Мусаввир ажойиб композицион маҳоратини намойиш эта олган. У ҳар бир қиёфа салмоғини қора ёки қизил синиқ чизиқлар билан ёхуд қаламни енгилгина юритиш билан ажратиб тасвир-

лар экан, у эгаллаб турган маконни маҳорат билан таъкидлаб кўрсатади. Йиригидан тортиб энг кичик ўлчамларгача бўлган тагхатлар, асардан келтирилган парчалар, қора ва қизил рангларда берилган бурж номлари умумий композициянинг таркибий қисмига айланиб кетган, хат ва рангларнинг бу уйғунлиги мазкур тасвирий матнни янада бойитган. Инсон қиёфалари гирдиғум, оёқлари калта, энсизгина қора қайтарма ёқали либосда, асосан пастак кулоҳ ва чакмонда тасвирланган. Персонажларнинг бундай талқини фақат Ўрта асрлар миниатюраларига хос бўлиб, бунга ҳали алоҳида тўхталамиз.

Улуғбек давридан бизгача етиб келган рангтасвирли миниатюралардан яна бири алоҳида варақка чизилган, Улуғбекнинг ов сайрини акс эттирувчи миниатюрадир. Бу асар 1946 йилда Париждаги Фрира санъат галереясида сақланаётганлиги маълум бўлган ва 1969 йилда Г. А. Пугаченкова томонидан Совет Иттифоқида чоп этиладиган, "Народы Азии и Африки" журналида эълон қилинган. Г. А. Пугаченкованинг фик-

рича, бу миниатюра 1441-1442 йилларда яратилган бўлиб, унда аниқ тарихий манзара — Улуғбек, унинг 4 хотини, ўғиллари Абдулатиф ва Абдулазиз ҳамда сарой аъёнлари тасвирланган. Бу миниатюра ўлчамлари одатдагидан каттароқ—бўйи 31,7 см ва эни 24, 1 см. Асарнинг композицион қурилиши ва персонажлар тасвири шундан далолат беради, ушбу миниатюра даставвал яхлит қилиб ишланган қўшсурат—диптихнинг бизгача сақланиб қолган ўнг томони бўлиб, варақнинг остки қисмидаги матн моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, у Хусрав ва Ширин лирик достони қўлёзмасини безаш учун ишланган. Агар Давлатшоҳ Самарқандийнинг Улуғбекнинг шоир Низомийга ихлоси баланд бўлганлиги ҳақидаги фикрларини эсласак, ушбу миниатюра айнан Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонини безаган, деган хулосага келишимиз мумкин.

Асардаги воқеалар ям-яшил ўтлоқда кечади. Композиция икки қисмга бўлинган. Унинг нисбатан кенгроқ бўлган сўл томонида ҳашамдор чодир

ичида ўлтирган Улуғбек акс эттирилган. Энсизроқ ўлчамдаги ўнг томонда эса бошқа кишиларнинг қиёфалари тиғиз қилиб жойлаштирилган. Бир қарашда ушбу композиция жуда содда туюлади. Бу композициянинг қиёфалари ниҳоятда тиғиз бўлган ўнг томон билан юки анча енгил, макони кенг бўлган сўл томонни қарама-қарши қўйиш асосига қурилган. Бундай композицион услуб чодир ичида ўтирган қиёфани ажратиб, алоҳида бўрттириб кўрсатади, зеро бу инсон фақат ҳукмдор бўлиши мумкин; чодирга битилган Улуғбек номи ҳам бу фикрни тасдиқлайди ва янада аниқлаштиради. Кенг макон ўртасидаги ёлғиз қиёфа дарҳол томошабин нигоҳини ўзига жалб этади. Чоркунж гилам, Улуғбек ўтирган кўрпача, йиғма чодирнинг устун ва арқонлари, кунгуралари — буларнинг ҳаммаси чодир ичидаги қиёфани ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади ва уни бош планга олиб чиқади. Улуғбекни соф композицион қиёфаси бошқа барча персонажлар билан богланиб кетган; уларнинг ҳар бири са-

ройдаги мавқеига қараб қатъий тартибда жойлаштирилган. Персонажлар ҳукмдор ўтирган марказдан ўтадиган ўқ асосида елпигичсимон шаклдаги маконда мутаносиб ўрин олишган. Ҳукмдор ўтирган чодирдаги гиламдан, устун ва арқонлардан ушбу ўқни хаёлан давом эттириш мумкин.

Улуғбекнинг мулозимлари миниатюранинг ўнг томонида тик чизиқ бўйича пастдан баландга қараб тартиб билан жойлаштирилган ҳамда юқори ва қуйи томонлари ҳукмдор томонга қараб эгилган. Сарой аъёнларининг Улуғбекдан бир қадар узоқликда ярим доира бўлиб туришлари ҳукмдорга ҳурмат ва сомеълик маъносини англатади.

Ушбу миниатюра ижодкори — композициянинг ажойиб устасидир. Унда композиция қисмлари талаб қиладиган фаолиятга бўйсунмайдиган бирорта ҳам тасодифий чизиқ йўқ. Ҳаммаси обдон ўйланган ва асосий ғояга бўйсундирилган — шоҳ ва мулозимлар шундай тасвирланганки, ҳукмдорнинг шоҳона мавқеи яққол кўзга ташланиб туради. Миниатюрани

томоша қилаётган томошабиннинг нигоҳи Улуғбек ёнида гўё тасодифан қўйилган болишдан сирғалиб ўтиб, ўнг томоннинг пастки бурчагида жойлашган икки маликага ва тик оёқда турган икки ёш йигитга тушади. Улуғбекдан бу икки ўспиринга йўналтирилган ён чизиқ тасодифий эмас. Аёллар ўтирган гиламнинг жойлашуви орқали ўтадиган бу чизиқ тасвирни бўрттириб туради, бу таъкид жуфт-жуфт қилиб тасвирланган аъёнлар ва хизматкорларнинг қўл ҳамда бошларини синиқ чизиқларда акс эттириш орқали яна такрорланади.

Юқорида қайд этилган икки маликадан юқорироқда жойлашган бошқа икки малика ва орқадан ўрин олган сарой хонимларининг қиёфалари ҳар икки томондан ўспиринлар гуруҳи ва дастлабки икки маликани қуршаб туради. Хонимларнинг бошларидаги оппоқ рўмоллари ва кийган либослари томошабин нигоҳини янада тортади. Буларнинг барчаси йигитлар қиёфасини янада бўрттириб кўрсатади ва уларни ҳукмдордан кейинги иккинчи

мавқега кўтариб туради.

Агар гиламнинг юқоридаги ўнг бурчагидан Улуғбек ўтирган пастки чап бурчагига қарата хонимлар, ўсмирлар, қуйи қисмда ўтирган маликаларнинг қиёфаларини қамраб олувчи хаёлий текислик ўтказсак, ярим тухумсимон яссилик пайдо бўладики, унинг марказида Улуғбекнинг қиёфаси жойлаштирилган. Персонажларнинг бундай жойлашуви ушбу гуруҳнинг ҳукмдорга алоқадорлигини, унга яқин кишилар эканлигини таъкидлаб туради. Бу гуруҳ бошқа персонажлардан — амирлар, асилзодалар, хизматкорлардан амирлар камарига тақилган узун мувозий шамширлар воситасида ажралиб туради. Бу узун қорамтир йўллар ҳукмдор атрофини ўраб турган қиёфалар тасвири учун ажратилган маконни иккига бўлиб туради. Миниатюрада тасвирланган жамоа ана шу услубда икки қисмга — аёллар ва эркаклар қисмига яққол бўлиб қўйилган.

Миниатюранинг ранг-баранг ва мураккаб композицион қурилишидан келиб чиққан ҳолда, ҳукмдорнинг энг яқин қариндошлари орасида ўнг то-

мондаги қуйи бурчакда тасвирланган икки ўспирин қиёфаси уларнинг имтиёзли мавқеини яққол кўрсатиб турибди. Бошқа персонажлар орқада жойлаштирилгани ҳолда бу икки ўспирин ҳукмдорнинг шундоқ рўпарасида тасвирланган. Бу ўспиринлар фақат шаҳзодалар — Улуғбекнинг ўғиллари Абдулатиф ва Абдулазиз бўлиши мумкин, холос.

Ушбу миниатюра композициясининг таҳлили бизни ҳам Г. А. Пугаченкова чиқазган хулосага олиб келади: ушбу саҳнада Улуғбек ва унинг хотинлари билан бир қаторда ҳукмдорнинг ўғиллари ҳам тасвирланган. Бу эса ушбу миниатюра 1441-1442 йилларда Самарқандда яратилган, деган фикрни тасдиқлайди.

XV асрдаги тарихий хроникаларда ишланган суратларда, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ёки "Калила ва Димна" каби шеърий асарларда аниқ тарихий шахслар — Амир Темур, Бойсунқур, Иброҳим Султоннинг тасвирлари учрайди. Ўрта асрлар манбаларида Темур са-

ройининг деворлари Соҳибқирон ва унинг оила аъзолари тасвири билан безатилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Юқорида биз таҳлил этган, Улуғбек тасвирланган миниатюрани ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Портрет жанри Ўрта Шарқ рангтасвир санъатида қадимдан мавжуд бўлган. Мусаввирлик бир оз чекланган Ислом даврида ҳам барибир рангтасвир ишлари жараёнида портрет чизиш давом этди — ёзма манбалар бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Худди ана шу нуқтаи назардан Низомий Арузийнинг Маҳмуд Ғазнавий /999-1030/ Абу Али ибн Синони излаб топиш учун унинг суратини ишлатганлиги ҳақидаги ҳикояси фавқулодда қизиқарлидир: "Абу Наср Арроқ мусаввир эди. Маҳмуд унга Абу Алининг суратини қоғозга туширмакни амр этди. Бошқа мусаввирларга мазкур суратдан қирқта нусха кўчиришни буюрди. Бу суратларни олий фармонга қўшиб барча вилоятларга жўнатди ва вилоят ҳокимларидан: "Ушбу суратдаги Абу

Али ибн Сино номли кимсани топиб, менинг ҳузуримга етказинг, — дея талаб қилди.

Шарқ шеъриятидан икки қаҳрамон сурат орқали бир-бирларини таниши ёки севиб қолиши адабий усул сифатида бизга яхши таниш. Фирдавсийнинг Фарҳод, Ширин, Баҳром Гўр, Сом каби қаҳрамонлари, Низомий, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Алишер Навоийнинг қаҳрамонлари ҳам жонли қиёфадан /натурадан/ кўчирилган сурат орқали бир-бирларини таниб ёки севиб қоладилар.

Мемуар адабиётлар ҳам портрет жанрининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради. XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида аввал Ҳиротда, сўнг Бухоро ва Самарқандда яшаган адиб Зайниддин Восифийнинг мемуарларида буюк мусаввир Беҳзоднинг портретлар ишлаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳикоялардан маълум бўладики, XV асрнинг охирларида яшаган буюк рассом бирон-бир машҳур шахснинг портретини чизар экан, унинг фақатгина ўзига хос бўлган

жиҳатларини конкрет белги-ифодаларини жуда нозиклик билан таъкид этиб ўтганки, натижада идеаллаштирилган, умумлаштирилган суратларда ҳам ҳаётда мавжуд шахснинг қиёфасини таниб олиш мумкин бўлган.

Ўрта асрлар портретчилигининг ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, чизилаётган қиёфанинг ўзига хос, индивидуал белгилари шартли ифодавийлик воситалари билан берилган, унинг умумий кўриниши эса типиклаштирилган. Бироқ на шартлилик, на чизилаётган киши қиёфасини типиклаштириш томошабиннинг портретдан аниқ ҳаётий шахс сиймосини илғаб олишга монелик қилмаган. Миниатюранинг шартли тили билан реаллик ўртасидаги сарҳадни "тайёрланган", "кўзи пишган" томошабин осонгина бартараф эта олган. Бу фақат Ўрта асрлар ислом олами учунгина эмас, балки бутун Ўрта Аср даври учун хос хусусиятдир.

Бироқ "Улуғбек портрети" /ушбу миниатюрани шартли равишда шундай атаймиз/ яна шуниси билан қимматлики, миниатюранинг ўзида ҳукмдор

қиёфаси унинг кимлигидан дарак берувчи тагхат билан изоҳланади: "Улуғ султон Улуғбек Кўрагон... унинг салтанатини зиёда қил". Ана шундай аниқтиниқ ёзма гувоҳлик орқали Улуғбек атрофидаги бошқа кишиларни — унинг тўрт хотини, ўғиллари, навқирон қушчисини таниб олиш қийин бўлмай қолади, зеро, бу қушчи — истеъдодли фалакиётчи олим, Улуғбекнинг шогирди ва дўсти, саройда қушчи мартабасини эгаллаб турган Али Қушчидан бўлак кимса бўлиши мумкин эмас.

"Улуғбек портрети"нинг мусаввири, шубҳасиз, сарой одоб-ахлоқини, мартабалар даражасини жуда нозиклик билан ҳис этадиган, шоҳона либосларнинг энг кичик, нафис жиҳатларигача фарқлаб оладиган бир истеъдод соҳиби бўлганки, бу унинг сарой доираларига алоқадор эканлигидан далолат беради. Маликаларнинг учи елкагача тушиб турадиган бош кийимлари, манглайларига қадалган укпар жиғалар Амир Темур давридаёқ шоҳона либос сифатида урф бўлган бели бўғмасиз кенг кўйлаклар жуда қизиқарли ва нафис тасвирлан-

ганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда Улуғбек даврининг йирик тадқиқотчиси В. В. Бартольднинг, Улуғбек даврида ҳам Самарқандда ҳаёт худди Темур давридагидек давом этди, деган фикрларини эслаб ўтиш жоиз.

"Улуғбек портрети"нинг муаллифи ҳам чизма, ҳам ранг бериш каби композицион услублардан фойдаланган ҳолда асарнинг асосий мазмунини ғоят катта маҳорат билан тасвирлаган. Миниатюрачи дегани — рангларга жон ато этувчи мусаввир дегани. Очиқ яшил рангдаги ўтлоқдан иборат асосий фон мусаввирга гўзал ва рангин манзара яратиш имконини берган, бунда асосий ранг Улуғбек устидаги оч-кўкимтир либос бўлиб, бошқа персонажлар либосларининг пушти, бинафша рангларда товланиши, уларга оқ рангининг сингдирилиши мафтункор уйғунликни ҳосил қилган.

!1976 йилда инглиз олими Б. Робинсон томонидан яна бир Самарқанд миниатюраси — "Сарой аҳллари майсазорда" деган асар эълон қилинди. Бу асар Лондонда Э. Унгернинг "Кейр коллэкшэн" деб аталадиган коллекци-

ясидан жой олган. Аввалги миниатюралардагидек бунда ҳам қиёфаларнинг композицион жойлашуви, уларнинг ҳолатлари ушбу асарнинг икки композицион қисмдан иборат эканлигидан далолат беради. Зеро, у "Улуғбек портрети"га кўп жиҳатдан ўхшаш ва қўшсурат — диптихнинг сўл томони бўлиб, публикация муаллифи ушбу миниатюра "Улуғбек портрети" асарининг етишмай турган сўл томони, деган тахминни билдиради. Бу жуда ҳам қизиқ фараз. Бироқ, биринчидан, бу миниатюра Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан олинган парча матнига жойлаштирилган; иккинчидан, ундаги дастхатдан бутунлай фарқ қилади; учинчидан, "Сарой аҳллари майсазорда" миниатюрасининг ўлчамлари 17га 18 см бўлиб, "Улуғбек портрети" композициясидан анча кичикдир. Лекин асосий фарқ шундаки, ҳар иккала асардаги очиқ яшил майсазор, хизматкорлар ва бошқа персонажлар жойлашган фон талқини бутунлай бошқа-бошқадир. "Улуғбек портрети"да очиқ яшил майсазорнинг тепасида тўқ яшил нафис чи-

зиқлар орқали учбурчак шаклидаги йирик-йирик япроқлар тасвирланган. Бу япроқлар бир хил ўлчамда бўлиб, бутун майсазор узра бир текисда жойлаштирилган.

Ҳар хил япроқ ичида қизил ва тўқ яшил чизиқлар билан тортилган нафис томирчалар кўзга ташланиб туради. Япроқларнинг жойлашув тартиботи ҳам ўзига хос: Улуғбек ўтирган гиламнинг ён томони бўйлаб япроқлар ёнламасига, биқинидаги ром бўйлаб эса тиккасига кетади. Япроқларнинг жойлашуви, айни пайтда, композициянинг асосий марказини бўрттириб туради. Иккинчи миниатюрада эса майсазор ягона горизонтал асосда ёппасига ўтлар билан қопланган. Улар шахмат тартибида жойлашган бўлиб, миниатюранинг юқори бурчига борган сари ўлчамлари кичрайиб боради.

Ана шу фарқларни инобатга олароқ, бу икки асар ягона қўшсуратнинг икки томонидир, деган фикрларни инкор қилишга тўғри келади.

Бу миниатюраларнинг бир даврда ишланганлиги, муштарак жиҳатлари-

нинг кўплиги 1440-йиллар Самарқанд рангтасвир санъати ҳақида маълум бир тасаввур беради. Ундаги ўзига хослик, айниқса, табиат тасвирида намоён бўлади; бу манзара жуда ихчам, хусусан, кейинги асарда дарахтлар, тепаликлар, анҳорлар тасвири йўқ — фақат асосий фон сифатида адир айнан бир хил ҳолатда талқин этилган. Ихчамлик миниатюралар композициясини белгилашда ҳам намоён бўлади, уларда тўлдирилмаган бўшлиқ анча кўп, ҳар хил ашёлар, нарсалар минди-минди бўлиб кетмаган. Бу асарларда шаклларнинг, безакларнинг йириклиги — типик хусусият. Персонажларнинг қиёфаси яхлитлиги билан ажралиб туради, ҳатто қўл ҳаракатлари ҳам бу қиёфаларнинг яхлитлигига путур етказмайди.

Айни шу даврда Ҳирот, Шерозда яратилган миниатюралар билан Самарқанд миниатюраларини қиёсласак, бу ўзига хослик янада яққолроқ кўринади. Масалан, "Улуғбек портрети" миниатюрасини Ҳиротда Бойсунқур учун яратилган, "Шоҳнома"нинг 1430 йилги қўлёзмасига ишланган "Ҳукмдор табиат оғушида"

/Теҳрон, Гулистон саройи коллекцияси/ деган асар билан ҳамда 1440-йиллар Шероз мактабига мансуб бўлган, "Шоҳнома" қўлёзмасига ишланган "Табиат оғушида базм" /Кливленд, Санъат музейи коллекцияси/ қўшсурат билан солиштириб кўрайлик.

Бу асарларнинг барчасида манзаралар тепалик фонида тасвирланади. Ҳирот ва Шероз миниатюраларида тепалик ҳар хил шакл ва рангга эга бўлган майса, ўт-ўланлар ҳамда гуллар билан қопланган. Ҳирот миниатюраларида ҳар бир ўт, гулбарг, қоя бўртиқлари ниҳоятда қунт билан тасвирланади. Табиатнинг бой манзараси композицияда муҳим ўрин эгаллайди, унинг қурилишида, умумий эстетик ечимида катта роль ўйнайди. Бунда тасвир учун ҳар бир парчадан унумли фойдаланилади, ҳамма нарса миридан-сиригача ишлаб чиқилади, деталлаштирилади.

Самарқанд миниатюралари Ҳирот ва Шероз миниатюраларидан персонажлар талқини, либослари билан ҳам фарқ қилади. Улардаги кишилар гавдасининг тасвири ўзига хос — гир-

диғум, беллар бир оз пастга тушган ва шунинг учун ҳам оёқлар анча қисқа туюлади. Ҳамма жойда бош кийими бир хил — дастордан иборат. Самарқанд миниатюраларидаги дасторнинг кулоҳи ясси ва кенг, салланинг ўзи ҳам япасқи, унинг узун солинчоғи олдинга ташланган. Ҳирот дасторлари ичидаги кулоҳ анча тик, салланинг ўлчами анча катта, баланд учи эса теппага қистирилган. Шероз миниатюраларида ҳам салланинг ўлчами Самарқанд миниатюраларинигикага қараганда катта. Биз юқорида чодирдаги Улуғбек хотинларининг бош кийимлари ва бели бўғмасиз либосларини батафсил кўриб ўтган эдик. Темур даврида урф бўлган бу либослар 1440-йиллар Ҳирот ва Шероз миниатюра мактабларида энди учрамайди.

Сарой аъёнларининг либослари ҳам фарқ қилади, бинобарин, Самарқандда аъёнлар камар тақиб, унга шамшир осиб юришлари шарт бўлган. Шероз миниатюраларида бу персонажлар кенг шалвар, қисқа кўйлак кийишган, як-

такларининг енги калта. Самарқанд миниатюраларида аъёнлар бели боғланган узун яктак, бошларига эса қора қайтармали оқ қалпоқ кийишган.

Бундай қалпоқларни Шероз миниатюраларидаги персонажларда ҳам кўриш мумкин, бироқ уларнинг тепаси жуда узун ва қайтармаси анча кенг. Шероз композицияларида соябонли қалпоқлар ҳам учрайди, бироқ улар Улуғбек кийган оқ соябонли қалпоқдан тепасининг япасқилиги, соябонининг кенглиги ва соябон ички томони ҳошияларининг оқ йўлда тасвирланганлиги билан фарқ қилади, ҳолбуки, ўша пайтларда деярли барча соябонли қалпоқлар асосан жигаррангга бўялар эди.

Шундай қилиб, Самарқанд миниатюралари ёрқин ифодаланган бадиий ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик композиция қурилишининг аниқлигида, қатъий тартиб мавжудлигида, деталлар билан тиғизлаштириб юбормасликда, композиция барча унсурларининг йирик-йирик қилиб тасвирланишида, қиёфаларнинг сийраклигида намоён бўлади.

Бу миниатюраларда персонажларнинг катта гуруҳлари йўқ, кишилар алоҳида, жуфт-жуфт ёки учталаб тасвирланади. Айниқса, Шероздаги асарлар билан солиштирганда бу фарқ яққол кўриниб туради.

Улуғбек даври Самарқанд рангтасвир санъатини таърифлашда ҳозир Истанбулдаги Тўпқопи Саройи Музейининг кутубхонасида сақланаётган, Низомийнинг "Хамса"сига ишланган 18 миниатюра алоҳида аҳамият касб этади. Қўлёзманинг бошида ва охирида нашрий маълумотлар берилган. 1-варақда қўлёзма Улуғбек Кўрагон ҳукмдорлиги даврида — 1446-1447 йилларда кўчирилганлиги, 318-варақдаги колофонда эса қўлёзма эгаси марҳум Амир Мирон ат-Табризийнинг ўғли Хожа Юсуфшоҳ эканлиги, қўлёзмани хаттот Али ибн Искандар ал-Кўҳистоний кўчирганлиги, мусаввир Султон Али ал-Бовардий безаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қўлёзма 1967 йилда француз тадқиқотчиси И. С. Шчукин томонидан эълон қилинди. Публикация муаллифи

қўлёзмадаги 18 суратнинг ҳар бирига изоҳ беради, уларнинг услубини қисқача таърифлайди ва китобни иккита уста безаган, деган хулосага келади. Унинг фикрича, 14 миниатюра Султон Али ал-Бовардийнинг мўйқаламига мансуб бўлиб, қолган 4 сурат номаълум муаллиф томонидан ишланган. И. С. Шчукин биринчи муаллифни моҳир, бақувват, табиатни ҳассослик билан манзарадор қилиб чизишга мойил деб ҳисоблайди ва унинг миниатюраларида оғир, вазмин қиёфалар бир-бирини такрорланмаслигини қайд этади. Иккинчи уста эса, И. С. Шчукиннинг фикрича, кескинликдан йироқ, мўйқалами енгил, ранглари нафис, умумий услубга кўра у Ҳирот рангтасвир мактабига яқин туради; Султон Али ал-Бовардий эса ўзига хослиги билан эътиборни тортади.

1446-1447 йилларда Низомийнинг "Хамса"сига ишланган бу миниатюралар турли мавзулар ечимида, сарой ичи, табиат манзаралари, инсон ва ҳайвонлар тасвирининг талқинида Самарқанд мактабининг тутган йўли ҳақида кенг тасаввур беради. Ундаги 5

сурат "Хусрав ва Ширин" достонини, 3 миниатюра "Лайли ва Мажнун", 7 миниатюра "Ҳафт пайкар", 3 сурат "Искандарнома" достонларини безаган.

Ўша даврнинг ниҳоятда машҳур бўлган Низомийнинг "Хамса" ва Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарларининг асосий воқеаларига суратлар чизиш ҳаракати XV аср бошларидаёқ миниатюра санъатида намоён бўлган эди. Ушбу достонларга ишланган суратлар шуни кўрсатадики, уларда асосан достонлардаги у ёки бу воқеанинг энг муҳим ўринлари акс эттирилган. Бир хил сюжетга эга бўлган достонларга чизилган суратларнинг ўзаро бир-бирини такрорлаши ана шундай хулосага олиб келади. Низомийнинг "Хамса"сига ишланган миниатюраларга хос севимли мавзу "Хусравнинг чўмилаётган Ширинни кўриши", "Лайли ва Мажнун қабилалари жанги", "Мажнун саҳродаги ҳайвонлар орасида", "Баҳром гўзаллардан бири билан саройда", "Искандар дарвиш зиёратида", "Искандар ва сув парилари" ва шу кабилардир. Низомий "Хамса"сининг суратлар билан без-

атилган барча нусхаларида юқоридаги мавзуларда ишланган миниатюралар учрайди. Уларни қиёсий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, бир хил сюжетлардаги миниатюралар асосан XV асрда мажбурий тусга кириб қолган қолипларда, персонажлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, унсур ва ашёлар бир хил ва қатъий мундарижада тасвирланган. Масалан, "Хусравнинг чўмилаётган Ширинни кўриши" мавзуидаги суратларда, ҳар бир мусаввирнинг услубий фарқларидан қатъи назар, бу миниатюралар учун мажбурий бўлган қуйидаги жиҳатлар мавжуд: 1/ Хусравнинг от устидаги маълум бир ҳолати, қўлнинг албатта юз томон бориб, бармоқларини лабга теккизиб туриши; 2/ Ширинниng сув ичида ўлтирганича ташлаб юборилган сочларини тароқлаб туриш ҳолати; 3/ шундоқ нарида Ширин отининг ўтлаб юриши; 4/ камон ва ўқларга тўла садоқ осилган дарахт; 5/ Ширинниng сув ёқасида тахлаб қўйилган либослари, қалпоғи ва этиги. Қайси шаҳарда яратилганлигидан қатъи назар, иштирокчиларнинг ана шу тарзда такрорланиб туриши, уларнинг айнан

бир хил ҳолатларда тасвирланиши мазкур мавзу бўйича композицион қурилиш анъаналари шаклланиб бўлганлигидан далолат беради.

"Хусравнинг чўмилаётган Ширинни кўриши" мавзусидаги Самарқанд миниатюраларида ҳам /41-б варақ/, анъанага кўра, қаҳрамонлар ва ашёларнинг одатдаги қолипи тўлиқ такрорланади. Фақат бундаги фарқлар персонажлар тасвиридаги ўзига хосликда, уларни ўз оғушига олиб турган табиат лавҳаларида намоён бўлади. Миниатюрада пейзаж афсоналардаги гўзал қилиб яратилган; биллур кумушранг сув оғушида яланғоч қоматини яшириб турган узун, тим қора сочларини тараётган Ширинни Хусрав кўриб қолади. Тепада тилларанг осмон юксакликнинг қоқ ўртасида нафис барглар ва пушти гулларга бурканган дарахт гўё туғилиб келаётган муҳаббат бошидан шуъла сочаётгандек, шодлик ва турмуш гўзалликларига ҳамду сано айтаётгандек таассурот қолдиради.

Композициянинг симметрик қурилиши, ундаги барча унсурларнинг мута-

носиблигига қатъий риоя қилиниши умумий вазмин-мўътадил бир вазиятни вужудга келтиради. Бу ҳолат тилларанг осмонга потирлаб учаётган беозор қушлар; миниатюра ёнларида қад кериб турган, гўё ушбу манзарани барча беҳуда нарсалардан қўриб ва асраб тургандек таассурот қолдирувчи дарахтлар асарга фавқулодда ажойиб жозиба бахш этади. Ушбу ўринда дарахтлар қаҳрамонлар жойлашган турли маконларни алоҳида ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилиши билан соф композицион вазифани адо этади.

Мусаввир ҳам чизиқлардан, ҳам ранглардан моҳирона фойдаланади. Тўқ яшил тепалик майда гулли, барглари йирик-йирик, боғ-боғ ям-яшил ўтлар билан қопланган. Ҳар бир боғ алоҳида тасвирланган. Ўтларнинг барглари йирик, узун-узун. Мусаввир тўқ-яшил тепалик, тилларанг осмон, композициянинг пастки ўнг бурчагига жойлаштирилган бинафшаранг қояларнинг рангини бир-бирига уйғунлаштира олган. Бундан барча ранглар ғоят нозиклик билан ўзаро боғланган ва бир-

бирига ҳамоҳанг: тўқ яшил тепалик фонидаги оч яшил ўтлар ранги дарахтлар тасвирида такрорланади, бинафша қоялар рангини дарахтларнинг нафис пушти гуллари бир қадар такрорлаб, тўлдириб туради. Хусрав кийиб олган ва Ширинниng ерга тахлаб қўйган либосларидаги тўқ сариқ ранг қаҳрамонларни бир-бирига боғловчи восита сифатида намоён бўлиб, умумий ранглар мажмуига жон бахш этади.

Рангларга асосланган композицион қурилишда тўқ сариқ рангга урғу бериш усулини ушбу қўлёзмадаги бошқа бир асар — "Мажнуннинг ўз либоси ва отини тутқун оҳуларга алмаштириши" миниатюрасида ҳам кўриш мумкин /118-а варақ/. Қарийб бутун композицияни эгаллаган оч бинафша фондаги тепаликнинг пастида иштирокчилар от билан Мажнун ва оҳуларни боғлаб олган чўпон тасвирланган. Композициянинг сўл қисмини кўк либосдаги Мажнун ва нопармон кийимдаги чўпон эгаллаган. Ўнг томонга эса тўқ сариқ эгар босилган оқ от жойлаштирилган. Бу қисм оқ доғлар билан от рангига

мувозанатланади. Эгарнинг тўқ сариқ ранги Мажнун алмаштиришга таклиф қилаётган кийимнинг астарида, чўпон белига осилган кичик халтада такрорланади, сўнг гўё бу ранг сочилиб кетгандек, тепаликни қоплаган ўт-ўланларнинг ўта майда гулларидан майин садо бера бошлайди, ниҳоят, тепалик устидаги нафис чизиқларда сўнгги бор жаранглаб, бўшлиққа сингиб кетади. Ранглар бу ажойиб мусаввир учун композиция қурилишининг асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилган.

"Хамса" Самарқанд қўлёзмаси матнининг бошидаги сурат ҳам анъанавий қолипда ишланган. Бу қўшсурат холис мавзу — "Сарой базми" /1=б — 2=варақлар/ мавзуида ишланган бўлиб, диптихнинг сўл томонида ноз-неъмат тўлдирилган хонтахталарни ташиб келаётган хизматкорлар, назоратчи, тик турган бир гуруҳ ёш меҳмонлар; ўнг томонда эса соябон остида ўз суюклиси билан ўтирган ҳукмдор, чолғучилар ва меҳмонлар тасвирланган. Воқеалар саройнинг олдида, бақувват ғиштлар

ётқизилган ва ҳашамдор қилиб безатилган деворлар билан тўсилган ҳовлида кечади. Худди ана шундай композицион қолип биз юқорида кўриб ўтган, Кливленд шаҳри Санъат музейида сақланаётган "Табиат оғушида базм" деб аталувчи Шероз миниатюрасида ҳам қўлланган эди. Фақат Шероз миниатюрасидаги воқеалар Самарқанддагидан фарқли ўлароқ, майсазорда кечади. Ҳар иккала суратда ҳам назоратчи хизматкорларни жазолаётганлиги тасвир этилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, бироқ бу саҳнада фарқли томонлар ҳам мавжуд. Шероз миниатюрасида назоратчи узун калтагини силкитганича тўрт хизматкор томон бутун вужуди билан хезланиб боряпти; хизматкорлар тасвири ҳам ниҳоятда жонли; улардан бири бошини бекитганича қочиб қолишга интиляпти, бошқалари эса калтак зарбидан омон қолиш учун бошларини тўсган ҳолда гавдаларини орқага ташламоқдалар. Самарқанд миниатюрасида эса назоратчи шўрлик хизматкорнинг ёқасидан тутиб олган, хизматкор эса икки

қўлини кўтарган ҳолда ҳам шафқат сўраяпти, ҳам ўзини зарбадан тўсяпти. Назоратчи маконда алоҳида ажратиб тасвирланганлиги учун ҳам унинг оёқларини керган ҳолда маҳкам туриши жуда жонли чиққан. Атрофидаги макон бўш қолганлиги учун ҳам умумий фонда яққол кўзга ташланиб туради. Ҳиротдаги "Табиат оғушидаги кўнгилхушлик" /Вашингтон, Артур М. Саклер галереяси/ номли миниатюрада ҳам ана шунга ўхшаш жазолаш саҳнасини кўриш мумкин. XV асрнинг биринчи ярмида кўплаб ишланган бу мавзу улуғ мусаввир Беҳзод ижодида ҳам давом эттирилади; у бу мавзуга бир неча марта мурожаат қилади.

Шероздаги миниатюранинг композициясида барча қаҳрамонлар гуруҳи яқин, тиғиз бўлиб, ҳатто аксар ҳолларда бир-бирини тўсиб қўйса, Самарқанд диптихида қарийб ҳар бир персонаж алоҳида ажратиб тасвирланган. Уларнинг сони ҳам кам бўлиб, катталаштирилиб, барқарор ҳолда чизилган. Бу персонажларнинг бақувват, бардам қоматлари, қисқа бўйинлари,

каттакон бошлари Шероз қаҳрамон ларининг новча, озғин, меъёрдан ташқари паст қилиб ишланган белларидан фарқ қилиб туради.

Низомийнинг 1446-1447 йилларда кўчирилган "Хамса"си қўлёзмасига ишланган "Баҳром Гўр малика билан оқ қасрда" /193=варақ/ деб аталадиган сурат Самарқанд мактабида биноларнинг ичини тасвирлаш қандай қилиб ўз ечимини топганлиги ҳақида яхши таассурот беради. Асарда полга ғишт йўлкасимон қилиб терилган, деворлар ранг-баранг қилиб безатилган. Баланд-баланд адл устунлар марказий равоқни кўтариб турибди. Ён томонларда симметрик равишда иккинчи қаватнинг хоналари жойлаштирилган бўлиб, уларнинг очиқ деразаларидан аёлларнинг бошлари кўзга ташланади. Композиция ён ва тик текисликларга қатъий бўлиб чиқилган. Бунда бирорта ҳам чизиқ нигоҳни теранликка тортиб кетмайди. Бино ичини бундақанги симметрик текисликлар орқали тасвирлаш на Ҳирот, на Шероз мактабларига хос. Гарчи Шероз миниатюраларида бинонинг ичи йўлкасимон қилиб,

текисликлар орқали тасвирланса-да, бироқ уларда симметрия етишмайди. Шероз композицияларида бинонинг ичи ҳамиша унинг олд қисми билан қўшиб акс эттирилади, бу эса композициянинг қатъий симметриясини бузиб қўяди.

Самарқанддаги ушбу суратда аёллар жуфт-жуфт бўлиб ўтирган ҳолда бир-бирлари билан қизғин суҳбатлашмоқдалар. Учи белигача тушиб турган узун оқ рўмоллари улар қоматини янада расо қилиб турибди. Ушбу рўмоллар Темур давридаёқ урф бўлган бу қадимий бош кийимларидан фойдаланиш Самарқандда ҳамон давом этаётганлигини кўрсатади, ҳолбуки, Ҳирот ва Шерозда улар аллақачон урфдан қолган эди.

Шундай қилиб, Улуғбек даври миниатюралари табиат манзаралари, меъморий обидалар, персонажлар тасвирининг ўзига хос ечими билан фарқланиб туради. Самарқанд мусаввирларини меъморий биноларни олисдан туриб кенг миқёсларда тасвирлаш масаласи қизиқтирмайди. Ҳирот мусаввирининг 1445-1446 йилларда кўчирилган Низо-

мий "Хамса"си қўлёзмасига ишланган "Мажнун Каъба олдида" /Истанбул, Тўпқопи Саройи Кутубхонаси/ миниатюрасида эса бунинг аксини кўрамиз. Самарқандлик мусаввирлар тасвирланаётган бинонинг фақат вертикал ва горизонтал жиҳатларига урғу бериб, ҳамма нарсани текисликлар орқали симметрик тарзда акс эттирганлар. Кишиларнинг гавдалари ҳам вертикал жойлаштирилган бўлиб, бу бинолар ва дарахтларнинг тик чизиқларига мутаносибдир.

Самарқанд миниатюраларида Ҳирот мактабига хос бўлган табиат манзаралари ва меъморий бинолар талқинини майдалаштириб юбориш, майда-чуйда унсурларни тасвирлашлар учрамайди. Бунда ҳамма нарса табиат унсурлари, безаклар, кишиларнинг қад-қоматлари анча йирик қилиб берилади. Йирик-йирик рангин доғлар уйғунлиги бу композицияларнинг рангтасвир таъсирчанлигини ошириб туради.

Ушбу суратлардаги тўғри чизиқлилик, табиат унсурлари ва бино ички қисмларининг симметрик жойлашуви,

композицияни персонажлар билан тиғизлаштириб юбормаслик, қаҳрамонларнинг хотиржамлиги ва хатти-ҳаракатларининг вазминлиги уларни оғир-босиқ, сокин ва салобатли қилиб кўрсатади.

Улуғбек даври Самарқанд миниатюраларининг таҳлили, уларни Ҳирот ва Шерозда яратилган асарлар билан қиёслаш шуни кўрсатадики, Самарқанд миниатюра мактаби кўпгина жиҳатлари билан юқоридаги икки мактабга яқин турса-да, аммо ўзига хос манзаравий қурилиши билан улардан ажралиб туради. Бу мактабга хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат; I/ бадиий тилнинг ихчамлиги; 2/ маконнинг тиғизлаштириб юборилмаслиги; 3/композиция қурилишидаги қатъий тартибот; 4/ маконнинг ташкилий ифодасида текислик-симметриклик принципи; 5/ композиция барча унсурларининг, безакларнинг йириклаштириб берилиши; 6/ персонажлар камлиги; 7/ композиция қурилишида рангларнинг муҳим восита сифатидаги алоҳида роли, мавзуни ёритишда нисбатан муҳим жиҳатларнинг

ажратиб кўрсатилиши; 8/ мўътадил вазмин ва хотиржам умумий оҳанг.

Биз Улуғбек замонасида яратилган, бугунги кунгача етиб келган миниатюра санъати намуналари билан танишиб чиқдик. Улар ранг-тасвир жанри тараққиёти ҳақида етарли даражада кенг таассурот бера олади. Бу асарларда турли-туман мавзулар — асъасаю дабдаба саҳналари ҳам, туғилиб келаётган муҳаббат гўзаллигини тараннум этувчи таъсирчан лирик ҳолатлар ҳам, сарой ҳаёти ҳам, эзгулик ва меҳр-оқибат ҳақидаги юксак туйғуларни мужассам этган манзаралар ҳам ўз аксини топган.

Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг унинг улкан, минг-минг жилдлаб китобларни ўз ичига олган кутубхонаси ғойиб бўлди. Маълумки, уларнинг бир қисмини ажойиб олим, Улуғбекнинг дўсти, қўлёзма китоблар хазинасининг кутубхоначиси Али Қушчи ўзи билан Туркияга олиб кетган. Қолган қўлёзмалар эса, афтидан, Самарқанддаги турли кутубхоналарда тарқаб кетган, балки уларнинг бир қисми йўқ бўлиб кетгандир, баъзилари эса эҳтимол бир бурчакда яшири-

ниб ётгандир. Бугунги кунда бу бой кутубхонанинг излари гоҳ Истанбулдан, гоҳо фавқулодда Ўратепадан, гоҳида эса Оврупо ёки Амриқо коллекцияларидан топилиб қолади.

Биз кўриб ўтган Самарқанд миниатюралари тасодифан сақланиб қолган яккам-дуккам ёдгорликлар, холос. Бироқ уларнинг ажойиб ижровий сифати, ўзига хос мафтункор бадиий тили миниатюра санъатининг ривожи юксак чўққиларга кўтарилганидан далолат беради ва ҳақли равишда бугунги кунда бизни ҳайратга солади. Улар Самарқанддаги юксак бадиий мероснинг шонига шон қўшганлиги, санъатнинг бетимсол намунаси ўлароқ ўзида бутун бир даврни мужассам этганлиги учун ҳам ҳамиша қадрли бўлиб қолаверади.





1

64

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



2

65

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



3

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



4

67

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



5

68

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



б

69

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



7

70

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



8

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



9

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



10

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси





11 12

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



13


ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



16

78

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



17

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси



18

80

ТЕМУР ва УЛУҒБЕК
даври
Самарқанд миниатюраси

МИНИАТЮРА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРДАН СУРАТГА ОЛИНДИ:

1. B. Gray. Persian Painting. Treasures Asia, Geneve, 1961.

2. B. Gray. An album of miniatures and illuminations from Baysonghori manuscript of the Shahnameh of Firdowsi — preserved in the Imperial Library, Tehran, 1971.

3. The Arts of the Book in Central Asia 14-16 centuries. UNESCO, London, 1979.

4. T. W. Lentz and G. D. Lowry. Timur and the Princely Vision, Persian Art and Culture in the Fifteenth Century, Los Angeles, 1989

СУРАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳут туркуми. *(Абдураҳмон ас-Суфийнинг "Турғун юлдузлар тасвири" ("Сувар ал-Кавокиб ас-Собита") китоби қўлёзмаси. Самарқанд миниатюра мактаби, 1430-йиллар, Париж, Миллий кутубхона.*

2. Кентавр туркуми. *Ўша қўлёзма,* Самарқанд миниатюра мактаби, 1430-йиллар.

3. Пегас туркуми. *Ўша қўлёзма,* Самарқанд миниатюра мактаби, 1430-йиллар.

4. Мажмар туркуми. *Ўша қўлёзма.* Самарқанд миниатюра мактаби, 1430-йиллар.

5-6. Бойсунқурнинг боғдаги қабули. Низомиддин Абул Маолий Насруллонинг "Калила ва Димна" қўлёзмаси, 1-б — 2-а варақлар, Ҳирот миниатюра мактаби, 1429 й., Истамбул, Тўпқопи саройи музейининг кутубхонаси.

7. Бойсунқур хотинлари билан боғда. "Гулдаста" қўлёзмаси, 1426 — 1427 й., Ҳирот миниатюра мактаби, Флоренция, Беренсон коллекцияси.

8. Аъёнлар майсазорда. Самарқанд миниатюра мактаби, 1440-йиллар, Лондон, Э. Унгернинг "Кейр коллэкшэн" коллекцияси.

9. Аъёнлар. "Ҳукмдор табиат оғушида" миниатюрасининг бир қисми.

10. Фарамурзонинг тобут устида йиғлаши. "Шоҳнома"нинг 1430 йилдаги қўлёзмаси, Ҳирот миниатюра мактаби, Теҳрон, Гулистон саройи кутубхонаси.

11. Табиат оғушида базм диптихи. Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари қўлёзмаси, Шероз миниатюра мактаби, 1440-йиллар, Кливленд, Санъат музейи.

12. Назоратчи ва хизматкорлар. "Табиат оғушидаги базм" миниатюрасидан бир қисм. Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари қўлёзмаси, 1440-йиллар, Шероз миниатюра мактаби, Кливленд, Санъат саройи.

13. "Табиат оғушидаги дилхушлик" диптихининг сўл қисми.

14. Хусравнинг чўмилаётган Ширинни кўриши. Низомийнинг "Хамса"си қўлёзмаси, 1446 — 1447 йиллар, 41-б варақ, Самарқанд миниатюра мактаби, Истамбул, Тўпқопи саройи Музейи кутубхонаси.

15. Мажнуннинг ўз либоси ва отини тутқун оҳуларга алмаштириши. Юқоридаги қўлёзма, 118-а варақ, Самарқанд миниатюра мактаби, 1446 — 1447 йиллар.

16. Мажнун Каъба олдида. Низомий "Хамса"си қўлёзмаси, 1445 — 1446 йиллар. Ҳирот миниатюра мактаби, Истанбул, Тўпқони саройи музейи кутубхонаси.

17. Ардашернинг ташрифи. Юқоридаги қўлёзма, Ҳирот миниатюра мактаби.

18. Баҳром Гўр малика билан оқ қасрда. Низомий "Хамса"сининг қўлёзмаси, 133-варақ, 1446-1447 йиллар, Самарқанд миниатюра мактаби, Истанбул, Тўпқопи саройи музейи кутубхонаси.

LISTE DES ILLUSTRATIONS

1. Serie "khut". Abdurahman as-Sufy "Image des etoiles fixes, manuscrit de "Suvar al-Kavokib as-Sabitta". La miniature de Samarkande, annees 1430. Paris, Bibliotheque Nationle.

2. Serie "Centaure". Manuscrit de "Suvar al-Kavokib as-Sabitta" La miniature de Samarkand, annees 1430. Paris, Bibliotheque Nationale.

3. Serie "Pegase". Manuscrit be "Suvar al-Kavokib as Sabita". La miniature de Samarkande, annees 1430. Paris, Bidliotheque Nationale.

4. Serie Majmar. Manuscrit de "Suvar al-Kavokib as-Sbita". La miniature de Samarkande, annees 1430. Paris, Bidliotheque Nationale.

5-6. Reception de Baisounkur au verger. Nizamiddine Abul Maoly Nasrullo, manuscrit de "Kalila et Dimna", les feuilles 1-b-2-a, la miniature de Herat, 1429. Istanbul, musee du palais de Topkop.

7. Baisounkur avec ses epouises au jardin. Manuscrit de "Guldasta", 1426-27. La miniature de Herat, Florence, collection de Bernson.

8. La noblesse de la cour sur la pelouse. La miniature de Samarkande, annees 1440. Londres, "collection "Keir" de Unger E.

9. La noblesse. Le fragment de miniature "Souverain au sein de la nature".

10. Lamentations de Faramurza sur cercueil. "Chakh-name", manuscrit de 1430. La miniature de Herat, Teherat, bibliotheque du Palais Gulistan.

11. Diptique "Festin aux bras de la nature". Manuscrit de Chakh-name. La miniature de Chiraz, les annees 1440. Musee d'art, Cleveland.

12. Un surveillant et gens de service. Le fragment de miniature "Festin aux bras de la nature". Firdousi, manuscrit de "Chakh-name", annees 1440. La minianure de Chiraz. Cleveland, Palais d'art.

13. La part gauche de diptique "Divertissement au sein de la nature".

14. Khoussrow regarde Chirine qui se baigne. Nizami "Khamsa" manusctit 1446-47, la feuille 41-b, la miniature de Samarkande, Istanbul,bibliotheque du musee au palais Topkop.

15. Medjnoun qui change ses habits et son coursier contre les gazelles captives. Nizami "Khamsa", manuscrit, la feuille 118-a. La miniature de Samarkande, 1446-47.

16. Madjnoun devant Kaaba. Nizami "Khamsa", manuscrit, annees 1445 — 46. La miniature de Herat, Istanbul, bibliotheque du musee au Palais Topkop.

17. L'arrivee d'Ardachere. "Chakh-name", manuscrit de 1430. La miniature de Herat, Teheran, bibliotheque du Palais Gulistan.

18. Bakhrom-Gor avec la princesse au palais blanc. Nizami "Khamsa", manuscrit, la feuille 133, annees 1446 — 47. La miniature de Samarkande, Istanbul, bibliotheque du musee au Palais Topkop.

THE CONSTELLATION ANDROMEDA

1. From a Suwar al-kawakib al-thabita (The book of still stars) of Abdul-Rahman al-Sufi

Samarqand miniature school, c. 1430 — 1440 Paris, Bibliotheque National, Arabe m. s. 5036

2. The Constellation Centaurus from a Suwar al-kawakib al-thabita (The book of still stars- of Abdul-Rahman al-Sufi

Samarqand miniature school, c. 1430 — 1440 Paris Bibliotheque Nationale, Arabe m.s. 5036

3. The Constellation Pegasus from a Suwar al-kawakib al-thabita (the book of still stars) of Abdul-Rahman al-Sufi

Samarqand miniature school, c. 1430 — 1440 Paris, Bibliotheque Nationale, Arabe m.s. 5036

4. The Constellation Ara
from a Suwar al kawakib al-thabita (The book of still stars) of Abdul-Rahman al-Sufi

Samarqand miniature school,c. 1430 — 1440 Paris,

Bibliotheque Nationale, Arabe m.s. 5036

5-6. Baysunghur granting an audience in his garden
from a Kalila u Dimna of Nizamuddin Abu'l-Ma'ali Nasrullah
Herat miniature school, 1429, tt 1b — 2a Istambul, Topkapi Sarayi Library

7. Baysunghur with his Ladies in a garden. from an Anthology "Guldasta"
Herat miniature school, 1426 — 1427 Florence, I Tatti, Berenson Collection

8. High officials on the glade
Samarqand miniature school, 1440 — 1450 London, Keir Collection

9. High officials
Fragment from a miniature "a ruler in the lap of nature".

10. Faramurza mourning before the coffin
from a Shahnama of Firdawsi
Herat miniature school, 1430
Teheran, Guliston Sarayi Library

11. Feast in the lap of nature (diptych) from a Shahnama of Firdawsi
Sheraz miniature school, 1440 — 1450
Cleveland, Museum of art

12. Supervisor and servants
Fragment from a miniature "Feast in the lap of nature"
From a Shahnama of Firdawsi
Sheraz miniature school, 1440 — 1450
Cleveland, Museum of art

13. The left part of a diptych "feast in the lap of nature"
from a Shahnama of Firdawsi
Sheraz miniarure school, 1440 — 1450
Cleveland, museum of art

14. Khusraw spies Shirin Bathing. from a Hamsa of Nizami
Samarqand miniature school, 1446 — 1447, f. 41[b]
Istanbul, Topkapi Sarayi Library

15. Majnun exchanges his horse and garments for captive gazelles
From a Hamsa of Nizami
Samarqand miniature school, 1446 — 1447,f. 118[a]
Istanbul, Topkapi Sarayi Library

16. Majnun at the Ka'ba
from a Hamsa of Nizami
Herat miniature school, 1445 — 1446
Istambul, Topkapi Sarayi Library

17. Ardasher's visit. a Shahnama of Firdawsi
Herat miniature school, 1430
Teheran, Gulistan Sarayi Library

18. Bahram Gur in the white palace with his queen
from a Hamsa of Nizami
Samarqand miniature school, 1446 — 1447, f. 133
Istanbul, Topkapi Sarayi Library

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадиий нашр

Муқаддима Ашрафий

ТЕМУР ВА УЛУҒБЕК ДАВРИ
САМАРҚАНД МИНИАТЮРАСИ

Муҳаррир *Усмон Қўчқор*
Инглизчага *К. Ҳасанов*
Французчага *Ю. Муродова* таржимаси
Мусаввир *Н. Взенконская*
Безаклар мусаввири *А. Бобров*
Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусаҳҳиҳ Ш. *Собирова*

ИБ№5511

Босмахонага 26.02.96 да берилди. Босишга 19.03.96 да рухсат этилди. Бичими 7×100 1/16 Офсет қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма 7,09 шартли босма тобоқ 3,0 нашр босма тобоғи. Жами 1000 нусха. 153 — буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 5-96 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси: 30.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент рангли босма фабрикаси. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, уй 86.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi